

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**



**“Milliy banklararo protsessing markazi”**

**акциядорлик жамияти**

**ягона акциядорининг**

**2024 йил 2 августдаги**

**179/09-2-qr-сон қарори билан**

**“MILLIY BANKLARARO PROTSESSING MARKAZI”**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**

**ИЖРО (БОШҚАРУВ) ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

**Тошкент – 2024**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом “MILLIY BANKLARARO PROTSESSING MARKAZI” АЖ (бундан буён матнда - Жамият) Ижро этувчи органи - Бошқарувининг шаклланиши тартибини, мақоми ва ваколатини белгилайди, унинг фаолиятини тартибга солади, Бошқарув раиси ва аъзоларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва жамиятнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Ижро органи - Бошқарув жамиятнинг Кузатув Кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот беради.

## II. БОШҚАРУВ ТАРКИБИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ

2.1. Жамиятнинг ижро органи – Бошқарув (бундан буён матнда Бошқарув деб юритилади) 5 кишидан иборат бўлади.

2.2. Бошқарув раиси ва аъзолари Кузатув Кенгашининг тавсиясига биноан жамиятнинг Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади (тайинланади).

2.3. Иқтисодий ва ҳуқуқий, менежмент, техник ҳамда IT соҳалари бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлган шахслар Бошқарув аъзолари сифатида сайланишлари (тайинланишлари) мумкин. Бошқарув аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлашда Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинади.

2.4. Бошқарув аъзолигига номзодлар ўз номзодларини кўриб чиқиш жараёнида Кузатув кенгаш йиғилишида иштирок этишлари мумкин.

2.5. Таклиф этилган номзодлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Бошқарув аъзолигига сайлангандан (тайинлангандан) кейин Бошқарув раиси ва жамият бошқарувининг ҳар бир аъзоси ўз вазифаларини бажариш учун шартнома тузади. Шартнома уни ҳар йилги қарор билан узайтириш ёки тугатиш имконияти билан уч йил муддатга тузилади. Шартнома жамиятнинг номидан Ягона акциядор, Кузатув кенгаш раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Бошқарув аъзолигига тайинланган шахснинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилган тақдирда, унинг вазифалари жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан белгиланган

шахс томонидан Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар вақтинча бажарлишига йўл қўйилади.

2.6. Жамиятнинг Бошқарув аъзоси ўз фаолиятида қонунчилик, жамиятнинг Устави ва меҳнат шартномаси шартларини бузган тақдирда шартнома иш берувчи томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Жамиятнинг Бошқарув аъзоси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаш томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

2.7. Жамиятнинг Бошқарув раиси мазкур Низомнинг 2.6 бандида кўрсатилган шартларни бузган тақдирда, шунингдек жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларини бажармаган тақдирда Кузатув кенгаш у билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан олдин тугатиш ҳуқуқига эга.

2.8. Агар жамиятнинг Ижро органи томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият Бошқарув аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

### **III. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ, ТАРКИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

3.1. Бошқарув жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалалар бўйича масъулдир, Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколати ва Кузатув кенгашнинг ваколати билан боғлиқ масалалар бундан мустасно.

3.2. Бошқарув Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаш қарорларининг ижросини таъминлайди.

3.3. Жамият Бошқарувининг миқдорий таркиби бошқарув функцияларини максимал даражада бажариш тамойилларига асосланган ҳолда белгиланади.

3.4. Бошқарув таркибига қоида тариқасида Бошқарув раиси билан биргаликда Бошқарув раиси ўринбосарлари ҳамда Бухгалтерия ва молиявий таҳлил бошқармаси бошлиғи – Бош ҳисобчи киради.

3.5. Жамият Бошқаруви аъзолари ўз лавозимлари ва лавозим йўриқномасида белгиланган ваколатлари доирасида, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари, Кузатув кенгаш қарорларига, Бошқарув раисининг кўрсатмаларига мувофиқ фаолият юритадилар.

3.6. Жамиятнинг Бошқарув раиси ушбу қоидаларга мувофиқ Жамиятнинг фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан, Бошқарувга қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

3.7. Жамиятнинг Бошқаруви акциядорлар, Кузатув кенгаши аъзолари ва назорат қилувчи органлар ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

#### **IV. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Бошқарув раиси жамият фаолиятининг барча масалаларини мустақил ҳал қилади, Акциядорларнинг умумий йиғилиш ва Кузатув кенгашнинг мутлақ ваколатига тааллуқли бўлган масалалар бундан мустасно.

4.2. Жамиятнинг Бошқарув раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Бошқа ташкилотлар ва органлар билан муносабатларда жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ва жамиятнинг манфаатларини ифодалаш;
- Мол-мулк ва маблағларни жамият Устави ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган шартларда тасарруф этиш, сақлаш;
- Жамият мулкани эскириши натижасида ҳисобдан чиқариш;
- Шартномалар, шу жумладан меҳнат ва жамоа шартномаларини тузиш;
- Жамият номидан ишончномалар бериш;
- Банкларда ҳисоб рақамлари очиш;
- Жамият номидан буйруқлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш;
- Штат жадвалини тасдиқлаш ҳамда уни кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш;
- Ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг бўлимлари ва бошқа таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;
- Жамият фаолиятини ривожлантириш мақсадида республика бўйлаб ва хорижий давлатларга ҳизмат сафари билан чиқиш;
- Жамиятнинг ички Қоидалари ва Низомларини тасдиқлаш;
- Жамият ўзи ташкил этган шўъба корхоналарни ва бошқа корхоналарни Уставларини, бизнес-режаларини тасдиқлаш;
- Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган интизомий жазо чораларини кўриш;
- Жамият фаолиятида ўз ваколатларига кирадиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларини ҳал қилиш;

- Жамият номидан ҳужжатлар, хатлар ва жамият Бошқарув йиғилишлари баённомасини имзолаш.

#### 4.3. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалалардан ташқари жорий фаолиятини ўз ваколатлари доирасида бошқариш, жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгаш қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ўз ваколатлари доирасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;

- Жамият таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

- Жамият томонидан шартномавий мажбуриятларга риоя этилишини таъминлаш;

- Бизнес-режада кўрсатиб ўтилган миқдорда фойда олишни таъминлаш;

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес режаларини ишлаб чиқишни бошқариш, ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- Жамият фаолиятида ҳуқуқий талабларга риоя этилишини таъминлаш;

- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тўғрилиги ва ишончилигини таъминлаш, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этиш, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва бошқа ахборот олувчиларга жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида юборилишини таъминлаш;

- Йирик битим ва аффилиланган шахслар билан битим тузишда амалдаги қонунчилик нормаларига амал қилиш;

- Жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сири бўлган маълумотларнинг сақланишини таъминлаш;

- Жамиятнинг Бошқарув йиғилишларини ташкил этиш;

- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш чораларини кўриш, жамиятнинг ходимларининг билим, малака, тажриба ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш;

- Ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирокларини ташкил этиш орқали орқали жамиятнинг ходимлари малакасини ошириш;

- Меҳнат ва технологик интизомни таъминлаш;

- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатлари ва меҳнат муҳофазасига риоя этилишини таъминлаш;
  - Жамоавий музокараларда Бошқарув аъзоларининг иштирокини таъминлаш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
  - Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгашига ўз ваколати билан боғлиқ ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;
  - Акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотни олиши, акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиши, уларга дивидендларни ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларини таъминлаш;
  - Жамиятнинг ички ҳужжатларига, амалдаги қонунчилик ва бошқа қоидаларга риоя қилиш;
- Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, жамият Уставига ва ички норматив ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга (ҳуқуқларга) ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

## **V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ**

5.1. Битим тарафларидан бири Жамият бўлган битимлардан Бошқарув аъзоларидан бири манфаатдор бўлса, ушбу Бошқарув аъзоси битим бўйича қарор қабул қилинишидан олдин бу ҳақда Бошқарув аъзоларини хабардор қилиши шарт ва у Бошқарув йиғилишида мазкур масалани муҳокама қилишда овоз беришда иштирок этмайди.

5.2. Бошқарув аъзолари ўзларига берилган ҳуқуқлардан улар билан меҳнат муносабатларида бўлган ёки мулкий манфаатдорлиги бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари ва манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари лозим.

5.3. Бошқарув аъзолари жамиятнинг мол-мулкидан шахсий фойда олиш имконини берувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари керак.

5.4. Бошқарув аъзолари ўз фаолияти давомида жамият билан рақобатлашувчи корхоналарни ташкил этиши, уларда таъсисчи сифатида иштирок этиши ёки шу каби тадбирларни амалга оширмасликлари керак. Агар улар Бошқарув аъзолигига сайлангунгача бундай ҳолатларда иштирок этган бўлсалар, улар бу ҳақда Кузатув Кенгаши хабардор қилишлари шарт.

## **VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИ**

6.1. Жамият Бошқарувининг йиғилишлари зарур ҳолларда, аммо чоракда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув томонидан Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган масалалар жамият Бошқаруви йиғилишида олдиндан муҳокама қилиниши мумкин.

6.2. Бошқарув йиғилиши Бошқарув раиси ёки кўриб чиқиладиган масаланинг йўналиши бўйича Бошқарув раисининг ўринбосарларидан бири томонидан, шунингдек жамиятнинг тегишли бўлимлари таклифи билан чақирилиши мумкин. Бошқарув йиғилиши йиғилишида камида учта аъзо иштирок этганда масалаларни ҳал этишга ваколатли ҳисобланади ва Бошқарув йиғилиши қарори йиғилишда иштирок этаётган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар овозлар сони тенг бўлиб қолса, Бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Йиғилиш натижалари қарорлар шаклида қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади.

6.3. Бошқарув йиғилишларида кўриб чиқиладиган масаланинг йўналишига қараб тегишли бўлимлар ходимлари ва мутахассислар иштирок этиб, улар Бошқарув аъзоларига кун тартибига киритилган масала бўйича тўлиқ ҳисобот тақдим этадилар. Йиғилиш қарорлари ушбу ходимлар томонидан ҳам имзоланади.

6.4. Бошқарув йиғилишида баённомалар юритишни ташкил этиш учун котиб сайланади ва у йиғилишларда баённомаларини юритишни ташкил этади. Бошқарув йиғилишлари баённомаларидан нусхалар ёки кўчирма куйидагиларга тақдим этилади:

- Кузатув кенгаши аъзоларига уларнинг талабига кўра;
- Амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга.

6.5. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларидан ўз вазифалари ва ваколатларини бажаришда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этмаслик талаб қилинади, шу жумладан:

- Пора таклиф қилмаслик, ваъда қилмаслик ва пора олмаслик;
- Таъмагирлик қилмаслик, пора олиш ва беришда воситачилик қилмаслик;
- Ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик;
- Пора эвазига хизмат кўрсатишда иштирок этмаслик ёки хизмат мавқеидан жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлган бошқа ноқонуний ишларда фойдаланмаслик ва х.к.

## **VII. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7.1. Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги натижасида акциядорлик жамиятига етказилган зарар учун ва етказилган зарарни амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўла ҳажмда қоплаш учун жавобгардирлар. Шу билан бирга, Бошқарув аъзолари ўзлари иштирок этмаган йиғилишда қабул қилинган қарор учун ёки жамиятга зарар етказган қарорга қарши овоз берган ҳолатларида жавобгар бўлмайдилар. Агар, ушбу банднинг қоидаларига мувофиқ, бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдида жавобгарлиги ўзаро биргаликда бўлади.

7.2. Бошқарув аъзоларининг ваколатлари агар суд уни жамиятга мулкӣ зарар етказишда айбдор деб топса, муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин. Жамият Бошқаруви аъзоси нотўғри маълумот бериш ёки атайин ёлғон маълумот бериш ва/ёки аффилланган шахслар билан улар ёки уларнинг аффилланган шахсларининг даромад олиши мақсадида битим тузишни таклиф қилиши оқибатида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

7.3. Бошқарув аъзоларининг бошқа ташкилотларда ўриндошлик асосида фаолият олиб бориши фақат Кузатув кенгаш розилиги билан амалга оширилади.

7.4. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси акциядорларнинг умумий йиғилишларида ўз йўналиши бўйича ҳисоботи билан иштирок этади.

7.5. Бошқарув аъзолари жамиятга оид бўлган ошкор этилиши лозим бўлган маълумотларнинг тўлиқлиги ва аниқлиги учун жавобгардир.

7.6. Бошқарув аъзоси жамиятга зарар етказган тақдирда, жамият ёки жамият акцияларининг камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) ушбу етказилган зарарни қоплаш юзасидан судга даъво аризаси беришга ҳақли.

7.7. Бошқарув аъзолари акциядорлик жамияти мол-мулкни тасарруф этишда шахсий фойда олишга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари лозим.

## **VIII. БОШҚАРУВ РАИСИ ВА АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТўЛАШ**

8.1. Ўз вазифаларини бажариш чоғида Бошқарув раиси ва аъзоларига ҳисобот молия йили учун жамиятнинг фаолияти натижаларидан келиб чиқиб ҳақ тўланиши мумкин. Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини моддий рағбатлантириш жамият фаолиятининг самарадорлигига кўра амалга оширилади.

8.2. Бошқарув раиси ва аъзоларига чораклик ва йиллик тўловлар миқдори мутаносиб равишда тўғридан-тўғри жамият фаолияти самарадорлигига боғлиқ бўлади. Бошқарув раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.1. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

9.2. Ушбу Низомга амалдаги Қонунчилик ва жамият Уставидаги ўзгаришлар муносабати билан ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки тўлдирилиши мумкин.

9.3. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

9.4. Агар Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига ва/ёки жамият Уставига мувофиқ ҳал этилади.